

«Uzbekistan Airways»
АЖ Якка акциядорнинг 2019 йил «18»
октябр кунги.4-сонли қарори билан
«ТАСДИҚЛАНДИ»

**«UZBEKISTAN AIRWAYS» АКЦИЯДОР ЖАМИЯТИНИНГ
ДИВИДЕНДЛИК СИЁСАТИ ҲАҚИДАГИ
ЙЎРИҚНОМА**

Тошкент ш. - 2019

Мазмуни

- I. Умумий қоидалар.
- II. Жамиятнинг дивиденд сиёсатини мақсади, асослари ва йўналишлари
- III. Жамият Кузатув кенгашин томонидан дивидендлар тўланиши бўйича тавсияларни ишлаб чиқиши тартиби
- IV. Дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш тартиби.
- V. Дивидендларни ҳисоб-китоби ва ҳисобланиш тартиби.
- VI. Дивидендларни тўлаш тартиби
- VII. Маълумотларни ошкора қилиш тартиби.
- VIII. Жамиятни эълон қилинган дивидентларни тўлаш учун маъсулияти
- IX. Якуний хуносалар.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу «Uzbekistan Airways» акциядорлик Жамиятининг дивидендлар сиёсати ҳақидаги Йўриқномаси (келгусида – Йўриқнома) Ўзбекистон Республикаси “Акциядор жамиятлари ва акциядорлар хуқуqlарини ҳимоя қилиш ҳақида”ги (келгусида – Конун), бошқа қонунчилик-норматив баённомалари, корпоратив бошқариш Кодексининг тавсиялари (31.12.2015й. кунги 9-сонли баённома), «Uzbekistan Airways» Ациядорлик жамияти (келгусида Жамият) Низоми ва бошқа ички хужжатларига мувофиқ ишлаб чиқарилган.

2. Мазкур Йўриқнома Жамият акцияларига дивидентларни қийматини белгилашда ва уларни тўлашда шаффофлик механизмини таъминлаш мақсадида, ҳамда Жамиятнинг дивидентлик сиёсати ҳақида акциядорларни ва бошқа манфаатдор шахсларга маълумот бериш мақсадида ишлаб чиқарилган.

3. Мазкур Йўриқнома Жамият дивиденд сиёсатини асосий тузилиши, мақсади ва тамойиллари, дивидендларни тўлаш ҳақида Жамиятнинг Кузатув кенгашининг тавсиялари, дивидендларни тўлаш қарор қабул қилиниш тартиби, шунингдек дивиденд сиёсатига риоя қилишдаги асосий мақсадини белгилайди.

4. Мазкур Йўриқнома Жамият Кузатув кенгаши, Ижро органи, ҳамда Жамиятнинг тузилма бўлинмалари аъзолари, дивидендларни ҳисоблаш ва тўлашда иштирок этувчилар томонидан риоя этилиши шарт.

.....II. Жамиятнинг дивиденд сиёсатини мақсади, асослари ва йўналишлари

5. Жамиятнинг дивиденд сиёсати – бу жамиятнинг соф фойданни акциядорга дивидендларини тўлаш ва уни жамиятнинг ихтиёрида қолдириш (захира жамғармаига йўналтириш йўли, тўплаш ё/ёки ўтган йиллардаги зарарни қоплаш учун) ўртасида таксимланадиган миқдорий параметрларини аниқлашга қаратилган харакатлар мажмуи, шунингдек дивидендларни тўлаш тартиби ва муддатини белгилаш учун муносабатлар тизими ва тамойиллари, шунингдек дивидендларни тўлаш мажбуриятини бажармаганлик учун жавобгарликни белгилашдир

6. Жамиятни дивиденд сиёсатининг мақсади акциядорларни фаровончилигини ва Жамият капиталашувини ўсишини таъминлашдир.

7. Жамиятнинг дивиденд сиёсати қўйидаги асосий тамойилларга асосланади:

- шаффофлик тамойили, дивиденд сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи томонларнинг мажбуриятлари ва маъсулияти ҳақидаги маълумотни аниқлаш ва ошкор этишни, кўзда тутувчи, шу жумладан дивидендларни миқдори ва тўланиши ҳақида қарор қабул қилиш тартиби ва шартларини кўзда тутади;

- замонавийлик тамойили, дивиденд тўловларини амалга ошириш учун вақтинчалик чегараларни белгилашни кўзда тутади;

- асосланганлик тамойили, Жамиятнинг ҳақийқий молиявий аҳволидан келиб чиқиб, ривожланиш режалари ва инвестиция дастурларини ҳисобга олган ҳолда,(Жамият соф фойдасидан ҳисобот даврида умидсиз дебиторлик қарздорлик бўйича захира яратиш йўли билан) Жамият фақатгина ижобий молиявий натижаларга эришган чоғида дивидендларни тўлаш ва қиймати ҳақидаги қарор қабул қилишни кўзда тутади;

- адолатлик тамойили, Жамияти акциясининг ҳар бир тури бўймча дивидендларини тўлаш, миқдори ва тартиби ҳақидаги қабул қилинган қарорлар ҳақида маълумот олиш учун акциядорларни хуқуqlарини тенг таъминлашни кўзда тутади; - кетма-кетлик тамойили – дивиденд сиёсатини тартиби ва тамойилларини қатъий бажаришни кўзда тутади;

- ривожланиш тамойили – Жамият стратегик мақсадларини ўзгариши муносабати билан унинг йўриқномаларини қайта кўриб чиқиш ва корпоратив бошқаришни яхшилаш доирасида дивиденд сиёсатини доимо такомиллаштиришни кўзда тутади;

- барқарорлик тамойили дивиденд тўловларини бир хил даражада амалга ошириш учун Жамиятнинг интилишини кўзда тутади.

Дивиденд сиёсатини асосий қоидалари.

8. Жамиятнинг дивиденд сиёсати, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамиятнинг Низоми ва ички хужжатларида кўзда тутилган, Жамият инвестицион жозибасини ривожлантиришга йўналтирилган, акциядорларни ҳукуқларини қатъий риоя қилишга асослангандир.

9. Жамият акциядорлари қуйидаги дивиденд ҳукуқларга эгадирлар:

- дивидендлар кўринишидаги Жамият даромадининг бир қисмини олиш учун;
- олинган даромадларга эркин эгалик қилмоқ.

Дивидендларни тўлаш ҳақидаги қарор қабул қилинган Умумий Мажлис ўтказиш учун, шакллантирилган жамият акциядорлари рўйҳатида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивидендларни олишга ҳақлидирлар.

Акцияларни бегоналаштириш чегарасини белгилаш, акциядорни – ушбу акцияларни эгасини Қонунда белгиланган тартибда дивидендларни олишга ва Жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳукуқидан маҳрум қила олмайди.

10.Кўйилган акцияларни сонини камайтириш ёки келгусида қайта сотиш учун Жамият томонидан сотиб олинган акциялар, Жамият ихтиёрига ўтказилади..

Жамият ихтиёрига тушган акциялар бўйича дивидендлар ҳисобланмайди.

Қонунда тутилган бошқа ҳолатларда Жамият томонидан сотиб олинган акциялар Жамият ихтиёрига ўтказилади. Кўрсатилган акциялар бўйича дивидендлар ҳисобланмайди

11.Акциядорларга дивидендларни олиш орқали, Жамият даромадида teng ва ҳаққоний иштирок этиш имконияти берилиши керак.

Акциядорларни умумий мажлиси Жамият Ижро органи ва Кузатув кенгashi риоя қилиниши лозим бўлган дивиденд сиёсатини тасдиқлади.

Дивиденд сиёсати ўрта ва узоқ муддатли даврга белгиланади. Дивиденд сиёсатини ўзгариши, акциядорларга бундай ўзгаршни келиб чиқиши ва сабабларини батафсил тушунтириш билан кечиши керак. Дивиденд сиёсатининг ўзгариши, Жамият ривожланиш эҳтиёжларидан келиб чиқмаган дивиденд сиёсатини ўзгариши, масалан Жамият ёки умуман олганда иқтисодий ҳолати, масалан Жамиятда корпоратив бошқарувдан ўтиш, яхши корпоратив амалиёти деб ҳисоблаб бўлмайди.

12.Жамият дивидендларни миқдорини аниқлаш ва уларни туўлашни шаффофф ва тушунарли механизми ишлаб чиқиши ва тадбиқ қилиши керак.

Дивидендларни миқдорини аниқлаш ва уларни тўлаш механизмининг шаффофлигини таъминлаш учун, Жамиятнинг дивиденд сиёсати дивидендларни тўлашга йўналтирилган соф фойдани аниқлашни тартибга солувчи қоидаларни, улар эълон қиладиган шартларни, акциялар бўйича дивидендлар миқдорини ҳисоблаш тартиби, низомда белгиланган дивидендлар миқдорини, Жамиятларнинг ҳар хил турдаги, акциялари учун минимал миқдори тартибини

13.Жамиятга дивидендларни тўлаш ҳақидаги қарорни қабул қилиш тавсия қилинмайди, агар бу қарор, қонунчиликда белгиланган ажратмаларни расман бузмасдан,

иктисодий асосланмаган бўлса, Жамият фаолияти ҳақидаги ёлғон тушунчани шакллантиришга олиб келиши мумкин.

Бундай қарорлар сонига, масалан, Жамиятнинг молиявий-хўжалик режаси (бюджет)да белгиланган мақсадли қарз даражаси Жамият томонидан орттирилиши, ёки инвестицион режа бажарилмаганда, ёки имтиёзли акциялар вё (ёки) оддий акциялар бўйича пул оқими катталиги (пул маблағларини етарли эмаслиги) бўлмаса, дивидендларни эълон қилиши, кириши мумкин

14.Жамият мавжуд акциядорларни дивиденд ҳуқуқларини ёмонлашувига йўл қўймаслиги керак.

Амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган акциядорларни дивидендулук ҳуқуқларини ҳимоя қилиш воситалари ва усуллари доимо етарли бўлмайди. Шунинг учун Жамият ва уни назорат қилувчи шахслар, корпоратив ҳаракатларни амалга оширишда мавжуд акциядорларни дивиденд ҳуқуқлари ва улушларини (шу жумладан мавжуд акциядорларга дивиденд ҳуқуқлари ва улушларини самарадор ва камситмайдиган механизмини тақдим қилиш йўли билан) сақланишини таъминлашга ҳаракат қилиши керак.

Жамият томонидан акцияларни ажратиш, консолидация қилиш ёки конвертация қилиш, фақатгина акциядорлар ҳуқуқларини ёмонлашувига йўл қўйилмаса, (бунда, корпоратив назоратни қайта тақсимлаш мақсадида акцияларни ажратиш, консолидация қилиш ёки конвертация қилиш (ёхуд даражасини ўзгартириш), шунингдек, акциядорларни дивидендулук ҳуқуқларини ёмонлашувчига ёки уларни Жамият низом жамғармаидаги улушларини камайтиришга олиб келувчи ҳаракатлар) йўл қўйилиши мумкин.

15.Жамият, акцияларни дивидентлари ва тугатиш қийматидан ташқари, Жамият ҳисобидан даромад (фойда) олишнинг бошқа турларидан акциядорлар фойдаланишини истисно қилиш учун ҳаракат қилиш лозим

Корпоратив бошқаришнинг тегишли амалиётига асосан, акциядорларни Жамият ҳисобидан даромад (фойда) олишлари, истисно тарикасида дивиденdlар ва тугатиш қиймитида бўлиши мумкин. Жамиятни бошқа йўллар билан фойда кўришининг олдини олиш учун, барча чораларини кўриш тавсия этилади, масалан, ички ссудалар учун дивиденdlарни алмаштириш, ёки асоссиз Жамиятни назорат қилувчи шахслар (йирик акциядорлар)ни хизматларини ортиқча нархларда тақдим этиш, шунингдек шунга ўхшаш усуллар билан.

16.Жамият капиталлаштиришнинг ўсишини акциядорларни Жамият акцияларидан фойда олишнинг энг асосий усулларидан бири деб қарайди.

Дивиденд сиёсати, акциянинг бозор қийматини орттириш мақсадида, Жамият томонидан олинган даромадни истеъмол ва капиталлаштириш қисмлари ўртасида, мунтаносиб оптималлаштиришдан иборат.

17.Жамият акциядорларга тўланадиган дивиденdlарни микдорини, Жамият инвестицион ва ишлаб чиқариш фаолиятининг ривожланиш эҳтиёжлари ва молиявий ҳисбот давридаги олинган соф фойда микдори ҳисобига кўпайтиришга интилади.

18.Жамиятнинг акция дивиденdlарини тўлаш ҳақидаги қарор (эълон) қабул қилиш, Жамиятнинг ҳуқуки ҳисобланади. Акциядорларнинг Умумий мажлиси акциялар бўйича дивиденdlарни тўлов қилиш ёки тўлов қилмаслик ҳақидаги қарорни қабул қилиш ҳуқуқига эга.

..... 19.Эълон қилинган дивиденdnii тўлов қилиш Жамиятнинг мажбуриятiga киради.

20. Дивиденdlар билан боғлиқ ҳаражатлар (шу жумладан солиқларни ҳисоблаш ва ушлаб қолиш, дивиденdlарни ўтказиш, почта ҳаражатлари билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар, дивиденdlар олаётган акциядорлар зиммасига, бошқарув органи қарорига

кўра юкланиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ бу мажбуриятни бажармагани учун акциядорлар олдида жавобгардир.

21. Жамият соф фойдадан, Жамиятнинг Захира жамғармасига, уни тўлиқ шакллантиргунга қадар, Жамиятнинг Низом жамғармасида белгиланган микдорда мажбурий ажратмалар, ҳамда Жамиятнинг Низоми ва ички хужжатларига мувофиқ, мажбурий ажратмалар ва бошқа тўловларни ўтказади.

22. Дивидендларни ўз вақтида тўлаш ва муомиладаги пул маблағларини дивидендларни тўлаш учун олинганда, Жамиятнинг молиявий ҳолати ёмонлашувини олдини олиш мақсадида, Жамият томонидан, Жамиятнинг фойдаси ҳисобига, умидсиз дебитор қарздорлик бўйича заҳира ташкил қилинади.

23. Жамият акциядорларига дивиденд тўловлари бўйича баъзи бир масалалар, Қонун нормалари, Ўзбекистон Республикаси норматив-қонун баённомалари, Жамият Низоми ва ушбу Йўриқнома билан тартибга солинмаган бўлса, унда акциядорларни ҳукуқ ва манфаатларини таъминлашдан келиб чиқиб, ҳал этилиши керак.

24. Жамият дивиденд сиёсати, акциядорларни Умумий Мажлисида тасдиқланган, Жамият мақсади ва асосий йўналишларидан келиб чиқиб, аниқ муддати кўрсатилган ўрта ва узоқ муддатли Жамиятнинг стратегиясини ҳисобга олган ҳолда, маълум бир муддатга тузилади.

25. Жамиятнинг ушбу дивиденд сиёсати 2019-2020 йиллар даври учун ишлаб чиқилган.

26. Акциядорлар ўртасида тақсимланадиган Жамиятнинг фойдаси, дивидент ҳисобланади.

Жамият 30% дан кам бўлмаган соф фойдани ҳар йили дивидентларни тўлашга йўналтириш ният қилган.

27. Жамиятнинг соф фойдадан қолган маблағи ўрта ва узоқ муддатли даврларга Жамиятни ривожланиш стратегияси лойиҳасини амалга оширишга йўналтирилади.

III. Жамият Кузатув кенгашин томонидан дивидендлар тўланиши бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш тартиби

10. Қонунга мувофиқ, Жамиятнинг Кузатув кенгашини ваколатига, акционарлерни умумий мажлисига дивиденднинг тўлов ҳажми, шакли ва тартиб бўйича тавсиялар бериш киради.

11. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари акциядорлар ва Жамият балансига риоя қилиб, олинган молиявий натижалардан келиб чиқиб, Жамиятнинг акциялари бўйича тавсия қилинаётган дивидендлар микдорини белгилайди. Бунда Кузатув кенгаши йилдан йилга акциядорларга дивиденднинг ижобий микдорини бошқа тенг шартларда сақлаб қолишга интилади.

12. Корпоратив бошқарув Кодексининг ва Жамият Низомининг тавсияларига мувофиқ акциядорлар – Жамиятнинг 1(бир) фоиздан кам бўлмаган оддий акцияларининг эгалари, Жамият фойдасини тақсимлаш, шу жумладан дивидендлар тўланиши ҳақида таклифларни киритиш ҳукуқига эгадир.

13. Жамият Ижро органи раҳбари Жамият Кузатув кенгашина жамият фойдасини тақсимлаш, шу жумладан дивидендлар тўланиши ҳақидаги таклифларни киритиш ҳукуқига эгадир.

14. Стратегия бўйича Кузатув кенгаши Кумитаси (Кузатув кенгаши аъзоси, Жамиятнинг дивидентлар сиёсатини амалга ошириш бўйича маъсул) олдиндан

Жамиятнинг молиявий аҳволини, киритилган таклифларни ўрганиб чиқади ва даромадларни тақсимлаш ва дивидендларни тўлаш масалалри бўйича тегишли хulosани тайёрлайди.

15. Кузатув кенгаши дивидендларни тўлаш масалалари бўйича қуидагиларга асосланади:

- амалдаги қонунчиликка;
- Жамият Низомига;
- мазкур Йўриқномага;
- стратегия бўйича Кузатув кенгаши Қумитасининг хulosасига (ёки дивидент сиёсатини амалга ошириш бўйича маъсул, Кузатув кенгашининг аъзосига);
- ички аудит Хизмати ҳисботига;
- Тафтиш комиссиясининг хulosасига;
- Жамиятнинг ташқи аудиторини хulosасига;
- ЎзР молия Вазирлигининг Фармойишига (агар Жамиятнинг низом жамғармаида давлат улуши бўлса);
- Жамиятнинг 1 (бир) фоиздан кам бўлмаган оддий акцияларига эга бўлган акциядорларнинг таклифларига;
- Жамият Ижро органи раҳбарининг таклифларига.

16. Акциядорларнинг Умумий мажлисига тавсияномалар ишлаб чиқарилишида, дивидендларни тўлаш масаласи бўйича, Кузатув кенгаши қуидаги ёндашувларга асосланади:

- Жамиятда дивидентларни тўлаш бўйича қонунчилиқда белгиланган чегаралар бўлмаса;
- Жамиятда молиявий ҳисботлар бўйича молиявий даврда, солиқقا тортилганидан сўнг, қолган даромадлар (Жамиятнинг соф фойдаси) бўлса ёки акциядорларнинг Умумий мажлиси томонидан уни тақсимлаш хақида карор қабул қилинмай қолган, ўтган йилларнинг тақсимланмаган даромадлари бўлса;
- молиявий ҳисботнинг ишончлилиги, Жамият ташқи аудитори томонидан тасдиқланиши лозим;
- Конун, Жамиятнинг Низоми ва ички ҳужжатлари, ҳамда норматив ҳукуқий баённомаларининг талабларига мувофиқ, соф фойдадан мажбурий ажратмаларни амалга ошириш;
- Жамиятнинг 10% соф фойдасидан кам бўлмаган миқдордаги умидсиз дебиторлик қарздорлик заҳираси мавжуд бўлса;
- Жамиятнинг қисқа муддатли мажбурияларини, ҳамда Жамият Низоми ва Конунда белгиланган муддатларда, дивидендлар тўловини амалга ошириш учун;
- Жамиятда керакли миқдорда соф активларни борлиги (жамият соф активи унинг низом ва заҳира жамғармаларини пул маблағлари, Жамият соф активини қийматини яширади).
- Жамият самарадорлигини қуидаги муҳим кўрсаткичлари:
 - а) мутлақ ликвидлик коэффициенти 0,2 дан кам эмас;
 - б) молиявий мустақиллик коэффициенти 1 дан юқори;
 - в) қоплама нисбати (тўлов қобилияти) 1,25дан юқори;

г) Дивиденд чиқиши (соф фойданинг қайси қисми Жамият томонидан оддий акциялар бўйича дивидендларни тўловига йўналтирилади) – умуман олганда қиймат қанчалик юқори бўлса, шунчалик акциядорларга Жамиятнинг даромади катта бўлади.

17. Кузатув кенгаши, Кузатув кенгашининг тавсия қилинаётган дивидендларни тўлов миқдорини аниқлашда, Жамиятнинг кейинги даврга молиявий-хўжалик режаларини, Жамиятнинг жорий ва келгусидаги мажбуриятлари ва айланма маблағларини ҳолатини хисобга олиши керак.

18. Жамият акциядорларининг Умумий мажлисига, Кузатув кенгаши томонидан тавсия қилинаётган дивидендлар тўлови, Жамиятни кейинги даврга тасдиқланган молиявий-хўжалик режаларида кўзда тутилмаган қўшимча қарзни молиялаштиришга олиб келмаслиги керак.

19. Молиявий ҳисобот йили учун соф фойдадан йиллик дивидендларни тўлаш ҳақидаги қарорни қабул қилишда, ЎзР қонунчилиги, Жамиятнинг Низоми ва ички хужжатларига мувофиқ, Жамият учун мажбурий ажратмаларга маблағ ажратилади.

20. Молиявий ҳисобот йили учун соф фойдадан йиллик дивидендларни тўлаш ҳақидаги қарорни қабул қилишда, молиявий йилнинг тўққиз ойи, ярим йили ва биринчи квартали натижалари бўйича олдин тўланган дивидендлар хисобга олинади.

21. Кузатув кенгаши томонидан тавсия қилинаётган оралиқ дивидендлар (молиявий йилни тугатилишидан олдин эълон қилинган дивидендлар – биринчи квартал, ярим йиллик ва тўққиз ойлик натижалари бўйича) қуидаги шартларга мувофиқ белгиланади:

- жорий йил фойданинг дивидендлар миқдори, Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган (ёки маъқулланган) (амалдаги қонунга, Жамиятнинг Низоми ва ички хужжатларига мувофиқ), Жамиятнинг захира ва бошқа жамғармаларига мажбурий ажратмалар хисобга олинган ҳолда), Жамиятнинг бизнес-режасига мувофиқ, жорий йилда режалаштирилган дивидендлар миқдоридан ошмаслиги керак

- жорий йилдаги фойданинг дивидендлар миқдори, Жамиятда мавжуд бўлган, акциядорлар Умумий мажлисида тақсимлаш ҳақида қарор қабул қилинмаган, Жамиятнинг ўтган йиллардаги фойданинг миқдоридан(бухгалтерия ҳисботлари бўйича) ортмаслиги керак.

22. Оддий бир акцияга тўланадиган дивиденд миқдори, ЎзР қонунчилиги, Жамиятнинг Низоми ва ушбу Йўриқномага мувофиқ белгиланади.

23. Эълон қилинган дивидендлар, акциядорлардан ушлаб қолинадиган солиқларни ўз ичига олади.

24. Кузатув кенгашининг акциядорларни, Умумий мажлисига дивидендлар тўланиши бўйича масалаларнинг тавсияларида қуидагилар белгиланиши мумкин:

-дивидендларни тўлаш учун соф фойданинг миқдори;

-тавсия қилинаётган соф фойдани тақсимлаш, дивидендлар миқдори, уларни Жамиятда қабул қилинган дивидендлар сиёсати билан мувофиқлигини баҳолаш, шунингдек зарурий ҳолатларда, Жамият ривожланишдаги эҳтиёжига соф фойданинг белгиланган қисмини йўналтириш ҳажмини, иқтисодий асослантириш ва изоҳлаш;

- дивидендлар эълон қолинадиган акциялар;

- белгиланган турдаги бир акцияни хисобидаги дивиденд миқдори;

- тўлов муддати (даври);

- тўлов шакли.

- тўлов тартиби.

25. Дивиденд тўлаш масалалари бўйича, акциядорларни Умумий мажлисига, Жамият Кузатув кенгашининг йиғилиши юзма-юз шаклда ўтказилиши керак.

26. Дивидендларни тўлаш ва миқдори бўйича тавсиялар ҳақидаги қарор, Кузатув кенгashi томонидан бир овозда қабул қилиниши лозим.

IV. Дивидендларни тўлаш ҳақидаги қарорни қабул қилиш тартиби.

27. Жамият Низоми ва Қонунга мувофиқ, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендларни тўлаш ҳақидаги қарор, молиявий йилнинг натижалари ва (ёки) молиявий йилнинг тўққиз ойи, ярим йил, биринчи квартали натижалари бўйича қабул қилиниши керак.

28. Жамиятнинг молиявий йилнинг тўққиз ой, ярим йил, биринчи квартал натижалари бўйича дивидендларни тўлаш ҳақидаги қарори, тегишли давр тугаганидан сўнг 3 (уч) ой ичida қабул қилиниши мумкин.

29. Жамиятнинг дивидендларни тўлаш, дивиденд миқдори, шакли ва тўлаш тартиби ҳақидаги қарор, Жамиятнинг Кузатув кенгашининг тавсиясига кўра ва молиявий ҳисоботни, унинг ишончлилиги ҳақида аудитор хulosаси мавжуд бўлган ҳолларда қабул қилинади.

30. Жамиятнинг молиявий йил бўйича дивидендларни тўлаш ҳақидаги қарор, акциядорларни йиллик умумий мажлисида молиявий йилнинг натижалари бўйича Жамият фойдасини тақсимлаш ҳақида қабул қилинади.

31. Жамиятнинг молиявий йилнинг тўққиз ой, ярим йил, биринчи квартал натижалари бўйича дивидендларни тўлаш ҳақидаги қарори, акциядорларни умумий мажлисинг кун тартибida алоҳида масала сифатида, акциядорларни Умумий мажлисида қабул қилинади.

32. Акциялар бўйича тўланадиган дивидендлар миқдори, Жамиятнинг Кузатув кенгашининг тавсиясига кўра, акциядорларни Умумий мажлисида белгиланади ва Кузатув кенгashi томонидан тавсия қилинган миқдордан катта бўлмаслиги керак.

33. Дивидендларни (йиллик, оралиқ) тўлаш ҳақидаги қарор, акциядорлар умумий мажлиси ваколатига киради.

34. Дивидендларни тўлаш ҳақидаги қарор, акциядорлар умумий мажлисида иштирок этаётган оддий акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

35. Акциядорларни дивидендларни тўлаш ҳақидаги, Умумий мажлиси қарорида қуйидагилар белгиланиши керак:

- дивидендларни тўлаш учун, соф фойданинг миқдори;
- тавсия қилинаётган соф фойдани тақсимлаш, дивидендлар миқдори, уларни Жамиятда қабул қилинган дивидендлар сиёсати билан мувофиқлигини баҳолаш, шунингдек, зарурий ҳолатларда, Жамият ривожланишдаги эҳтиёжига соф фойданинг белгиланган қисмини йўналтириш ҳажмини иқтисодий асослантириш ва изоҳлаш
- дивидендлар эълон қилинадиган акциялар тури;
- белгиланган турдаги битта акцияни ҳисобидаги дивиденд миқдори;
- тўлов муддати (даври);
- тўлов шакли;
- тўлов тартиби.

36. Дивидендларни тўлаш ҳақидаги қарор, акциядорга хар турдаги акциялар бўйича дивиденд миқдорига тегишли, тўла-тўқис маълумотлар олиш имконини бериш.

37. Жамият акциядорларини Умумий мажлиси, белгиланган турдаги акциялар бўйича дивидендларга тўламаслик ҳақида, шунингдек Жамият Низомида белгиланган дивиденд миқдори, шунингдек имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган тўловни амалга ошириш қарор қабул қилишга ҳақлидири.

38. Дивидендларни тўлаш ёки тўламаслик ҳақидаги қарордан, корпоратив назоратни қайта тақсимлаш учун восита сифатида фойдаланмаслик керак.

39. Конунчиликка мувофиқ, Жамият қўйдаги акциялар бўйича дивидендларни тўлаш ҳақидаги қарорни қабул қилишга ҳақли эмас:

- Жамиятни таъсис этишда, уни таъсис этишдаги Низом жамғармаси тўлиқ шакллантирилгунга қадар;

- агар қарор қабул қилинаётган вактда, банкротлик аломатлари ёки дивидендлар тўлаш натижасида ушбу белгилар пайдо бўлса;

- Жамият соф активлари унинг Низом жамғармаси ёки заҳира жамғармасининг суммасидан кам бўлса.

Юқоридаги ҳолатлар тугаганидан сўнг, Жамият акциядорларга, ҳисобланган дивидендларни тўлашга мажбур.

56. Жамият молиявий йилнинг оддий акциялари бўйича дивидендларни (шу жумладан тўқиз ой, ярим йил, биринчи квартал натижалари бўйича) тўлаш ҳақидаги қарорни, агар барча категориядаги имтиёзли акциялар бўйича (Жамият имтиёзли акциялари жойлаштирилган бўлса) дивидендларни тўлиқ тўлаш (шу жумладан, имтиёзли акциялар бўйича тўпланган дивидендлар) ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

57. Агар аввалги имтиёзли акцияларнинг барча тоифалари бўйича дивидендларни (шу жумладан имтиёзли акциялар бўйича тўпланган дивидендларга) тўлиқ тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинмаган бўлса, Жамият маълум тоифадаги имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш (эълон қилиш)га ҳақли эмас

V. Дивидендларни ҳисоб-китоби ва ҳисобланиш тартиби.

58. Акциядорларга дивиденд тўлаш ҳақида қарор қабул қилинган акциядорларнинг Умумий мажлисини ўтказиш учун, Жамият акциядорлар рўйхатида қайд этилган шахслар, акциялар бўйича дивидендларни олиш ҳукуқига эгадир.

59. Дивидендлар олиш ҳукуқига эга бўлган, рўйхатидаги вазифасига корпоратив муносабатларни ушлаб туриш юклатилган, акциядорлар билан кирувчи шахслар Жамиятнинг тузилма бўлинмасини ташкил қиласди.

60. Дивидендларни олиш ҳукуқи бўлган шахслар рўйхатига, қўйидаги шахслар киритилади:

- рўйхат тузилиш санасида, акциядорлар реестрида қайд этилган акциядорлар;

- рўйхатни тузиш санасига акциядорлар рўйхатига киритилган, акция бўйича ҳукуқлари берилган, бошқа шахслар (гаров эгалари, ишонган бошқарувчилар ва бошқ.), агар акциядор билан бундай шахс шартномада ўзга белгиланмаган бўлса,

61. Агар акциялар эгалик улушда бўлмаган ҳолатда, акцияларни биргаликдаги эгаларининг барчаси, дивидендларни олиш ҳукуқига эга бўлганлар рўйхатга киритилади.

62. Дивидендларни олиш усуллар бўйича маълумотлар, инвестиция воситачисининг Депо ҳисоби анкетасида, ёки қимматли қофозлар марказий депозатириясида сақланади. Депо ҳисоб анкетасига тегишли ўзгартиришларни киритиш маъсулияти, акция эгасига юкланади.

63. Қимматли қоғозлар бўйича Марказий депозитарияси томонидан шакллантирилган акциядорлар рўйхатига ўзгартириш киритилишида, қонунчиликда кўзда тутилган ҳолатларда, Жамият қимматли қоғозлар бўйича Марказий депозитариясидан акциядорлар рўйхатига, бундай ўзгартириш киритилишини сабаблари хақида маълумотни сўрайди ва дивидендларни олиш хукукига эга бўлган шахслар рўйхатига киритиб қўяди.

64. Ҳар қандай акциядор, Жамиятга ўзини дивидендларни олиш хукукига эга бўлган шахслар рўйхатига киритилгани (киритилмагани) ҳақидаги маълумот берилишини талаб қилиш хукукига эгадир.

65. Жамият талабнома киритилган вақтдан бошлаб, 15(ўн беш) иш куни мобайнида акциядорга, жавобини тайёрлаб, агар талабномада маълумот олишнинг бошқа усули кўрсатилмаган бўлса, унинг почта манзили бўйича юборади.

66. Акциядорлар ўртасида тақсимланадиган, Жамиятнинг соф фойдаси - дивидендердир.

67. Дивидендларни ҳисоблаб ёзиш, Жамиятнинг бухгалтерияси (молиявий бошқармаси) томонидан амалга оширилади.

68. Дивидентни ҳисоб-китоби қуидаги тартибда амалга оширилади:

- бир имтиёзли акция учун дивиденд Жамиятнинг Низоми билан белгиланади;
- Жамият Низомида белгиланган, битта имтиёзли акция дивиденд миқдорига, имтиёзли акциянинг сонини кўпайтириш йўли билан, Жамият имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни тўлаш учун даромад суммаси белгиланади;
- дивидендларни тўлаш учун акциядорлар Умумий масжлисида йўналтирилган даромаднинг умумий суммасидан, имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлаш учун керакли бўлган даромад суммаси айрилади;
- дивидендларни тўлаш учун йўналтирилган, умумий даромаднинг қолган қисми, оддий жойлаштирилган акцияларнинг сонига бўлинниб ва Жамиятнинг битта оддий акцияси миқдорига белгиланади.

69. Дивиденд акциядорлар ўртасида дивиденд миқдорини ҳисобга олган ҳолда, улар эгалик қиласидан акциялар сони ва турига мунтаносиб равишда тақсимланади.

70. Дивидендлар солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқса тотилади ва улар бўйича имтиёзлар белгиланиши мумкин.

71. Дивиденд қуидагиларга ҳисобланмай ва тўланмайди:

- жойлаштирилмаган акцияларга;
- Жамият томонидан сотиб олинган акцияларга;
- давлат вакили томонидан дивидендларни ҳисоб-китоб қилиш ва тўлаш масаласи бўйича, Жамият акциядорларининг умумий мажлиси қарорига таъкиқ қўйилса (агар Жамиятда “Тилла акция” киритилган бўлса);
- кузатиш киритилган онидан, банкротлик ҳақида иш қўзғатилган бўлса.
- Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига кўзғатилсанда туттилган бошқа ҳолатларда.

72. Жамият солиқни ҳисобга олмасдан дивиденд миқдорини эълон қиласи. Жамият қонунчиликда белгиланган муддатларда Жамиятнинг корпоратив веб-сайтида ва қимматли қоғозларни тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органларининг расмий веб-сайтларида тўланадиган дивидендлар миқдорини чоп этади.

VII. Дивидендларни тўлаш тартиби.

73. Жамият ҳар бир турдаги акциялар учун эълон қилинган дивидендлар миқдорини тўлашга мажбур.

Дивидендларни тўлаш тартиби, уларни олиш учун акциядорларни хукуқларини амалга ошириш учун энг яхши ёрдам бериши керак.

Тўлов манбаси

74. Дивидендлар Жамият ҳисобида қолган, Жамиятнинг соф фойдасидан ва (ёки) олдинги йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

Имтиёзли акциялар учун дивидендлар, Жамиятнинг Захира жамғармаси ҳисобидан тўланиши ҳам мумкин.

Тўлов муддати

75. Дивидендларни тўлов муддати ва тартиби, Жамият Низоми ёки акцидорларнинг умумий мажлиси қарори билан белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати, бундай қарор қабул қилинган кундан 60 (олтмиш) кун ўтмаслиги керак..

76. Агар дивидендларни тўлашнинг охирги куни иш кунига тўғри келса, кейинги куннинг иш куни, тўлов муддатини охирги куни деб ҳисобланади..

77. Жамият белгиланган тўлов муддатни тугагунига қадар, эълон қилинган дивидендларни тўлашга мажбуурдир.

78. Жамият дивидендлар тўлови бўйича мажбуриятларини белгиланган тўлов муддатининг ҳар қандай кунида тўлаш хукуқига эга.

79. Жамият акциялар бўйича дивидендлар тўловини энг сўнги муддатини белгиламайди ва тўловини тўхтатмайди, ҳамда ҳисобланган (олинмаган) дивидендларни белгиланган муддатда олмаган акция эгаларига, уч йил мобайнида тўлов қилишда давом этади.

Тўлов шакли

80. Жамият акциядорларининг Умумий мажлиси қарори билан дивидендлар пул маблағлари, ёки бошқа қонуний тўлов воситалари билан ёки Жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин..

Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендлар, қимматли қоғозларда тўланишига йўл қўйилмайди.

Дивидендларни фақатгина пул маблағларида тўланиши тавсия қилинади, чунки бошқа мулк билан тўлов қилинганида, аниқ тўланган дивидендларни баҳолаш мушкулдир, бундай мулк билан дивидендларни олиш, акциядорлар учун қўшимча харажатлар ва қўшимча мажбуриятларга олиб келиши мумкин.

81. Дивидендларни пул маблағи билан тўлов ҳолатларида, эълон қилинган дивидендлар ЎзР миллий валютасида тўлов қилинади.

Жамият Ўзбекистон Республикасининг норезеденти – акциядорнинг ёзма талабномасига асосан, унга ҳисобланган дивидендларни, норезидентғакциядор томонидан тақдим қилинган банк ҳисоб рақамига, эркин конвертация қилинадиган валютада ўтказишга мажбур.

Жамият томонидан тасдиқланган, акциядорлар рўйҳатидан чиқариш ҳақидаги кўчирма ва ҳисобланган дивидентлар суммаси ва уларнинг ҳисобланиш санаси ҳақидаги маълумот, конвертация қилиш учун асос бўлади.

82. Дивидендларни бошқа қонуний воситалари (мулк, қимматли қоғозлар) билан) тўлаш ҳолатларида, эълон қилинган дивидендлар тўлови, ЎзР қонунчилигига кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

Соликқа тортши

83.Тўланадиган дивидендларни солиқقا тортилиши, ЎзР амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда амалга оширилади.

84.Жамият ўзига тегишли акциялар бўйича, акциядорлар дивидендлар тўлашда солиқ агенти ҳисобланади. Жамият дивидендлардан солиқ суммаларини амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган тартибда ва муддатларда ҳисоблаш, ушлаб қолиш ва бюджеттага ўтказишни амалга оширади.

Дивидендлар ушлаб қолинган солиқлар айримасидан акциядорларга ўтказиб берилади.

85.Солиқ ставкалари қўлланиши керак бўлмаган акциядор, Жамиятга амалдаги қонунчиликда белгиланган тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши шарт

Тўлов тартиби

86.Акциядорлар билан корпоратив бошқарувни ўртасидаги алоқани ушлаб туриш вазифаси юклатилган Жамият тузилмасининг бўлинмаси, мазкур Йўриқномада кўзда тутилган дивидендларни Жамият томонидан тўланишини ташкил этиш бўйича барча тадбирларни тайёрлаш, тартибга солиш ва ўтказишни амалга оширади..

87.Биринчи навбатда имтиёзли акциялар, кейин оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади.

Имтиёзли акциялар бўйича қайд этилган дивидендларни тўлаш учун етарли фойда мавжуд бўлганида, Жамият кўрсатилган акцияларнинг эгаларига дивидендларни тўлашни рад этиш ҳуқуқига эга эмас.

Жамият рад этган ҳолатда акциядорлар суд тартибida дивидендларни тўлашни талааб этишлари мумкин.

Имтиёзли акциялар бўйича тўловни амалга оширишда, Жамиятнинг даромадлари етарли бўлмаса ёки заарали бўлса, бу мақсадлар учун ташкил қилинган, фақатгина Жамиятнинг Захира жамғармаси доирасида ва унинг ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Жамиятнинг Захира жамғармасида маблағлар бўлмаган ҳолларда, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўплаб борилади, ва агар ушбу Низомда кўзда тутилган бўлса тўланади.

Имтиёзли акцияларга дивидендлар тўланмаслиги, уларни тўлаш учун бошқа манбалар мавжуд бўлса, бунинг натижасида, имтиёзли акцияларнинг эгаси, акциядорларнинг Умумий мажлисини кун тартибидаги барчва масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқини олса, бу тегишли корпоратив амалиёти деб ҳисобланмайди.

Жамиятнинг молиявий имкониятлари чекланган шароитларда, имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлаш ҳақидаги шунга ўхшаш қарорни қабул қилишда, имтиёзли акцияларнинг эгаси, акциядорларнинг Умумий мажлисини кун тартибидаги, унинг ваколатига кирувчи масалаларда овоз бериш ҳуқуқини истисно қила олса, бу тегишли корпоратив амалиёти деб ҳисобланмайди.

88.Жамият томонидан оддий акцияларга ҳисобланган дивидендлар тўлови, дивидендлар олиш учун, акциядорларининг teng ҳуқуқини таъминлаш билан амалга оширилади.

Дивидендлар тўлашда, акциядорларнинг ҳеч қайсиини, тўлов муддати бўйича имтиёзга эга эмас.

Бунда, Жамият йирик акциядорларга, агар бунинг натижасида мониритар акциядорларга белгиланган муддатларда дивидендлар тўланиши таъминланмаса, дивиденд тўлаш ҳуқуқига эга эмас.

89. Жамият ҳисобидан банк ҳисоб рақамига ўтказилган тегишли сумма, Жамият акцидоррлар рўйхатини юритилиш тизимида мавжуд бўлган, ёки дивиденд тўланиши ҳисобига акциядорга бериладиган бошқа мулк, агар ушбу тўлов шакли акциядорларни умумий мажлиси ёки Низом билан белгиланган бўлса, дивденд тўлови бажарилган деб ҳисобланади

90.Кун тартибига молиявий йилнинг якуни бўйича оралиқ дивиденни тўлаш, ёки фойдана тақсимлаш масалалари киритилган, акциядорларни Умумий мажлисини ўтказиш ҳақидаги ҳабарда, акциядорларга агар банк реквизитлари ва почта манзили ўзгарган тақдирда, инвестиция воситачиси Депо анкетасининг ҳисобига ёки қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсида ўзгартириш киритиши, шунингдек бу мажбурияларга риоя қилмаганлиги учун жавобгарлиги ҳақида тушунтириши керак.

91. Акциядор инвестиция воситачисини, ёки унинг ҳуқуқларини ҳисобга олиш хизматини амалга оширувчи, қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсига ўз вақтида маълумот бериши керак. Акциядорлар ўзи ҳақидаги маълумотларни бермаса, инвестиция воситачиси ёки унинг ҳуқуқларини ҳисобга олиш хизматини амалга оширувчи, қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси, шу орқали акциядорга етказилган зарап учун жавобгар эмасдир.

Агар акциядор ўзининг банк реквизитларини, ёки дивиденд тўланадиган манзилгоҳини нотўғри кўрсатган бўлса, ёхуд кўрсатилган реквизитлар ҳақида Жамиятга ҳабар бермаса, ёхуд ўз вақтида ҳабар бермаса, Жамият шу орқали акциядорга етказилган зарап учун жавобгар эмасдир. Ушбу бандда кўрсатилган сабабларга кўра, акциядорнинг айби билан нотўғри ўтказилган дивиденд суммалари Жамиятга қайтарилганидан сўнг, уларни қайtarилиши ва қайта ўтказилиши учун кетган ҳаражатлар айрилганидан сўнг, қайтадан акциядорга ўтказилади. Меросхўр, мерос натижасида ўтган дивидендни олиш учун, дивидендни оладиган жойига, нотариал тасдиқланган меросга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи гувоҳномани тақдим этиши керак.

92.Жамият дивидендларни мустақил равишда тўлаш, ёки дивидендларни тўловини ташкил этиш ва амалга ошириш мақсадида, шартнома асосида тўлов вакили - чет ташкилотни жалб қилиши мумкин. Жамият томонидан тўловчи вакилларни жалб этиш, Жамиятни акциядорлар олдидаги уларга тегишли дивидендларни тўлашдан озод этмайди. Жамият ўз акциядорларини тўловчи вакил жалб қилингани, уни алмаштирилган ва унинг ваколатини муддати тугаганлиги ҳақида маълумот бериш ҳуқуқига эга.

93.Дивидендларни тўлаш бўйича ҳаражатлар Жамият ҳисобидан амалга оширилади.

94.Жамият айби билан акциядорлар Умумий мажлиси томонидан белгиланган муддатларда дивидедлар тўлови қилинмаса (олинмаган бўлса), Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан дивидендларни қайта молиялаш ставкасидан келиб чиқиб, тўланмаган дивидендлар учун пения ҳисобланади. Тўланмаган дивидендлар учун пения микдори, тўланмаган (олинмаган) дивидендлар суммасининг 50%дан юқори бўлмаслиги керак.

95.Жамият акциядорларига тегишли дивидендларни тўламаган тақдирда, қимматли қоғозларни тартибга солувчи ваколатли давлат ташкилоти, Жамият акциядорларининг мурожаатига асосан, судга ушбу Жамиятга жамиятнинг акциядорларига дивиденд тўлаш ҳақидаги мажбуриятни юклатилиши ҳақида даъво киритиш ҳуқуқига эгадир. Бундай даъвони киритиш ва кўриб чиқиш тартиби қонунчиликда белгиланади.

96.Акциядор Жамият томонидан ҳисобланган дивидендларни тўланишини суд тартибида талаб қилиш ҳуқуқига эга. Суд томонидан дивидендларни тўлаш ҳақидаги акциядорнинг талабномаси бажарилмаса, Жамиятга нисбатан тўлашга қодир эмаслик

бартараф этиш процедураси ўтказилади, ёки қонунчиликда белгиланган тартиба банкрот деб эълон қилишлик амалга оширилади.

97.Эгаси ёки унинг қонуний вакили, ёки қонуний вориси томонидан талаб қилиб олинмаган дивиденд, уч йил ўтганидан сўнг, акциядорлар умумий мажлисининг қарорига кўра, Жамиятнинг ихтиёрида қолдирилади.

98.Жамият қўйдаги акциялар учун дивидендлар ҳисоблаш хукуқига эга эмас:

- агар дивиденд тўлаш вақтида банкротлик белгилари бўлса ёки кўрсатилган белгилар дивидендларни тўлаш натижасида Жамиятда пайдо бўлса;

- агар Жамиятнинг соф активини киймати, Низом жамғармаси ва Захира жамғармаси суммасидан кам бўлса.

Мазкур ҳолатлар тугатилганидан сўнг, Жамият акциядорларга ҳисобланган дивидендларни тўлашга мажбур.

78.Жамият тугатилганида, иккинчи ўринда имтиёзли акциялар бўйича ҳисобланган, аммо тўлови амалга оширилмаган ва имтиёзли акциялар бўйича тугатиш қийматидаги Жамият Низоми билан белганиланган дивидендлар тўлови амалга оширилади.

Агар Жамиятдаги мавжуд мулклар, имтиёзли акциялар бўйича ҳисобланган, аммо тўлови амалга оширилмаган ва тугатиш қийматидаги имтиёзли акциялар бўйича, Жамият низоми билан белганиланган дивидендлар суммаси, барча акциядорларга-имтиёзли акция эгаларига етарли бўлмаса, унда мулклар барча акциядорларга-имтиёзли акция эгаларига уларга тегишли бўлган акциялар сонига пропорционал равища да тақсимланади.

VIII. Маълумотни ошкор қилиш тартиби.

100.Жамият қонунчилик-норматив баённомаларининг талабларига мувофиқ корпоратив веб-сайтида қўйидагиларни жойлаштиради:

- акциядорларни Умумий мажлиси томонидан, оралиқ дивидендларни тўлаш тартиби ва шакллари, миқдори ҳақидаги қарорни қабул қилинганлиги ҳақидаги муҳим фактлари бўлган маълумотлар;

- акциядорлар Умумий мажлис томонидан, йиллик дивидендларни тўлаш миқдори, муддати, шакли ва тўлаш тартиби ҳақидаги қарорни қабул қилинганлиги ҳақидаги муҳим фактлари бўлган маълумот.

Бунда, Жамият томонидан электрон почта орқали, акциядорларга уларга ҳисобланган дивидендлар ҳақида хабарнома юборади

Жамият томонидан дивидендларни тўлаш бўйича мажуриятлари бажарилганлиги ҳақидаги қонунчиликда белгиланган муддат ва шаклларда тегишли маълумотларни ошкор қиласди

101.Корпоратив бошқарув Кодекси тавсисига кўра, Жамият қўшимча равища да қўйидаги маълумотларни ошкор қиласди:

- тегишли қарор қабул қилинган, Жамият акциядорларининг Умумий мажлис баённомаси имзоланган кундан 5 (беш иш куни мобайнида ушбу Йўриқнома, ҳамда унга тегишли барча ўзгартириш ва қўшимчалари билан;

-соф фойдани тақсимлаш, дивидентлар миқори, Жамиятнинг қабул қилинган дивидент сиёсатига мувофиқлигини, шунингдек, зарурат туғилганда, Жамиятнинг ривожланишида эҳтиёжлари ва белгиланган соф фойда қисмини йўналтирилган ҳажмларни иқтисодий асослаш ва шарҳлаш;

- дивиденд миқдорини ҳисоблашнинг шаффоф механизими;
- охирги 5 (беш) йил ичида дивидендларни тўлашнинг ўсиш суръати.

102. Жамиятнинг йиллик ҳисоботида, Жамият фойдасини таксимлаш ва унинг Жамият қабул қилган дивиденд сиёсатига мувофиқлиги ҳақидаги маълумотлар бўлиши керак.

103. Умумий мажлис томонидан қабул қилинган қарорларни асослантирилганлигини ошириш мақсадида, акциядорлар Умумий мажлисига тайёргарлик кўришда, акциядорларга тақдим қилинадиган ва қонунчилиқда кўзда тутилган мажбурий материаллардан ташқари, акциядорларга қуидаги материаллар тақдим қилинади:

- дивидендларни тўлаш учун етарли шароитлар бор ёки йўқлиги ҳақидаги маълумот, фойдани мавжудлиги ҳақидаги аудиторнинг хulosаси, ушбу масала юзасидан Кузатув кенгашининг тавсиялари;

- таклиф қилинаётган соф фойдани тақсимлаш ва уни Жамиятда қабул қилинган дивиденд сиёсатига мувофиқлигини асослаш, шу жумладан, дивидендларни ва Жамиятнинг шахсий эҳтиёжлари учун тўлашга, ҳамда соф фойданинг маълум қисмини шахсий эҳтиёж учун йўналтирилишини иқтисодий асослаш ва шарҳлаш;

- акциядорларни дивиденд хукуклари ёмонлашувига олиб келган, ёки акциядорлар хукукларининг улушини йўқ қилиш бўйича корпоратив ҳаракатлар ҳақида маълумотлар, шунингдек, дивиденд ва тугатиш қийматидан ташқари, Жамият ҳисобидан фойда олиш усуслари бўйича суд қарорлари;

104. Акциядорларининг талабига кўра, Жамият мазкур Йўриқноманинг 102 бандида кўрсатилган эълон қилинган дивидендлар ҳақидаги маълумотни тақдим этади.

IX. Жамиятнинг эълон қилинган дивидендлар бўйича маъсулияти.

105. Жамият, акциядорлар Умумий Мажлиси ва Жамиятнинг Низомида белгиланган муддат ва ҳажмларда эълон қилинган дивидендларни тўлашга мажбур.

106. Жамиятнинг Ижро органи, Жамият акционерларига дивидендларни тўлиқ ва ўз вақтида тўланишига жавобгардир. Ижро органи устидан назоратни, Жамиятнинг Кузатув кенгаши Тафтиш комиссияси билан биргалиқда амалга оширади.

107. Ҳисобланган дивидендларни тўловини таъминлаш мақсадида, Кузатув кенгаши ўзининг йиғилишларида, дивидендлар тўлов амалга оширилиши ҳақидаги масалаларни кўриб чиқади. Ижро органининг айби билан дивидендлар ўз вақтида ва тўлиқ тўланмаса, Кузатув кенгаши айбор шахсларга жавобгарлик санкцияларини қўллайди ёки уларни қўллашни бошлайди.

108. Жамият томонидан ўз мажбуриятларини бажармаслик ҳолатларида, акциядорлар суд тартибида, акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивиденларни тўлашни талаб қилиш ҳкуқига эгадир.

109. Дивидендлар суммасидан, солиқ суммаларини ушлаб қолиш ва ўтказиш бўйича Жамиятга юклатилган солиқ агенти ўз мажбуриятини бажармаганлик учун, Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўлади..

X. Яқуний қоидалар.

110. Мазкур Йўриқнома акциядорлар Умумий мажлиси қарори билан тасдиқлангандан сўнг кучга киради.

Ушбу Йўриқномани тасдиқлаш бўйича акциядорларни Умумий масжлиси қарори, мажлисда иштирок этаётган акциядорларни кўпчилик овози билан қилинади

111.Ушбу Йўриқномага қонунчиликнинг ўзгариши, Жамият Низоми ёки ички ҳужжатларига ўзгартириш ёки қўшимчалар киритилиши муносабати билан, ва бошқа ҳолларда ўзгартириш ёки қўшимчалар киритилиши мумкин.

Мазкур Йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар Кузатув Кенгашининг, Кузатув кенгашининг Қумитасини аъзолари (Жамиятни ички назорат тизимни самарадорли ишлиши учун маъсул Кузатув кенгашининг аъзоси) Тафтиш комиссияси, ички аудит Хизмати, корпоратив маслаҳатчи ва Жамиятнинг Ижро органининг таклифига асосан киритилдади.

Мазкур Йўриқномага киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар акциядорларнинг умумий мажлисида тасдиқлангандан сўнг кучга киради

Ушбу Йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши тасдиқлаш бўйича акциядорларнинг Умумий мажлиси қарори, мажлисида иштирок этган акциядорларни кўпчилик овози билан қабул қилинади.

112.Агар мазкур Йўриқноманинг айрим моддалари, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ё/ёки Жамият Низомига зид бўлса, бу моддалар ўз кучини йўқотади ва ушбу моддалардаги тартибга солинувчи масалалар қисми, мазкур Йўриқномага тегишли ўзгартириш киритилгунинг қадар, Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик нормаларига асосланади.